



2019 йил 12 июль

№ 484/к

Боғот шаҳарчаси

Туманда 2020 йил ғалла ҳосилидан уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ўртасида тендер танлови ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 17 апрелда “Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжалиқлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 1794-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом талабларига мувофиқ”, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2019 йил 11 июлдаги 01/016-459-сонли хати, туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг 2019 йил 11 июлдаги 01/02-117-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2019 йил 11 июлдаги 01/016-459-сонли хати ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг 2019 йил 11 июлдаги 01/02-117-сонли сўровномаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 17 апрелда “Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжалиқлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 1794-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом талабларига мувофиқ туманда жорий йилнинг 20 июлидан 20 августигача тендер танлови ўтказилсин.

3. 2020 йил ҳосилидан супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ўртасида тендер танлови ўтказиш бўйича туман тендер комиссияси тузилсин ва таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман тендер комиссияси ва унинг аъзоларига;

- фермер хўжаликлари томонидан тендер танловида қатнашиш учун тайёрланган барча хужжатлар тўлиқ бўлишини таъминлаш ва топширилган кундан рўйхатдан ўтказиш;

- танлов комиссиясига бир ой давомида “Супер элита, элита ва кейинги авлодга мансуб бўлган уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун фермер хўжаликлари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ишни ташкил этиш ва танлов натижаларини тасдиқлаш учун туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.


5. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими (О.Эгамов), туман “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонаси (Н.Куранбаев) ларга:

- супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун барча кўрсаткичлари бўйича юқори балларга эга бўлган фермер хўжалиklarини танлаб олиш;

- супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик етиштириладиган ғалла майдонларига, ғалла навларни, тупроқ таркиби (тупроқ агрохимёвий таркиби таҳлил қилинган) ва унинг унумдорлигини, сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилишини амалга ошириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Худайберганов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев